

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Шыныбеков Қаржаўбай Палбекович

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
магистранти

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалиги транспортлари ҳақида сўз этилади. Қишлоқ хўжалигини янда такомиллаштиришда меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш. Автомобил ва автомобил транспортида фойдаланиладиган тиркама турлари фойдаланувчи автомобиллар тизимини ташкил этади.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, автомобил, автомобил транспорти, юк автомобиллари, автомобил тягашлар, тиркама ва ярим тиркама автомобиллар, йўловчи ташувчи автомобиллар.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини янда такомиллаштиришда меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш асосий талабларнинг бири. Қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш ва қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини экиш учун тўпроқни тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги намуналарини яратиш, мавжуд машиналарни иш жараёнида ресурстежамкорлигини таъминлашнинг илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу йўналишда кам энергия сарфлаган ҳолда тўпроқни экишга тайёрлайдиган иш сифати ва унуми юқори бўлган комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқиш ва улар иш органларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашишида ресурстежамкорликни

таъминлайдиган параметрларини асослашга доир илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони ва 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш» [1] вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жумладан, тўпроқни экишга тайёрлаш бўйича барча технологик жараёнлар (тўпроқни юмшатиш, даланинг юза қисмини текислаш, зичлаш ва дала юзасида майин тўпроқ қатламини ҳосил қилиш)ни кўшиб бажарадиган комбинациялашган машина ишлаб чиқиш ва ишчи қисмларининг талаблар даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган параметрларини асослаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Алоҳида ва комбинациялашган машиналар таркибига кирадиган тўпроқни юмшатадиган иш органларининг тадқиқотлари билан хорижда И.М.Панов, Н.М.Орлов, Г.В.Плющев, Г.М.Прокопенко, В.А.Лим, Д.А.Тряпицин, В.И.Ветохин (Россия Федерацияси), J.Balaton, Spoor Gordon (Германия), R.Blackstein, J.V. Stafford, A.Geiki (Англия) ва бошқалар

шуғулланишган. Республикамизда М.Муродов, Р.И.Бойметов, Ф.М.Маматов, А.Тўхтақўзиев, И.Т.Эргашев, В.Р.Сергиенко, Р.Ибраимов, М.Мирахматов, О.Р.Кенжаев, Н.С.Бибутов, А.К.Игамбердиев, Х.Р.Ғоффоров, А.А.Насриддинов, Х.Турғунов, Р.А.Абдурахмонов ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. [2] Бу тадқиқотлар натижалари асосида яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Тўпроқга экиш олдида ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машина юмшаткичларининг тўпроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнлари ва параметрларини ифодалов ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат. Тўпроқга экиш олдида ишлов беришда қўлланиладиган технологиялар ва уларни амалга оширадиган техника воситаларига доир илмий-тадқиқот ишларнинг самарадорлигини аниқлаш лозим.

Автомобил ва автомобил транспортида фойдаланиладиган тиркама турлари фойдаланувчи автомобиллар тизимини ташкил этади. Мазкур тизим вазифасига қараб махсус, юк тасувчи ва йўловчи ташувчи бўлимларига бўлинади. Юк тасувчи автомобилларга – юк автомобиллари, автомобил тягашлар, тиркама ва ярим тиркама автомобиллар; йўловчи ташувчи автомобилларга – енгил автомобиллар, автобуслар, тиркама ва ярим тиркама автомобиллар; махсус турдаги, махсус ускуналанган, транспорт ишларига йўналтирилган автомобиллар, тиркама ва ярим тиркама тортадиган автомобиллар киради (ўт ўширувчи, кўша тазоловчи ва кўчага сув сепувчи, автодукон, автокран, кўчма автомобилларни тузатувчи устохоналар). [3]

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб қувватланмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, янги технологияларни амалиётга татбиқ этиш давр талаби ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Lex.uz.
2. Абдимоминов И.И. Ерларга экиш олдида ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машина юмшаткичларининг турини танлаш ва параметрларини асослаш. Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Т. 2022. – Б. 8.
3. Borovskiy Y.I., Buralev Y.V., Morozov K.A., Nikiforov V.M., Fenenko A.I. Avtomobillerdin' du'zilisi, texnikaliq xizmet ko'rsetiw ha'm on'law. – Tashkent: «TALQIN», 2008. – B. 3.

